

"Аёллар дафтари"даги хотин-қизларга психологик ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, тиббий кўрикдан ўтказилди

Ўзбекистон туманида хотин-қизлар муаммоларини "Аёллар дафтари"ни юритиш орқали тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари давом этмоқда.

Шу мақсадда кеча "дафтар" рўйхатига киритилган хотин-қизлар иштирокида "Аёли эъзозланган юрт" мавзусида амалий семинар ташкилланди.



Унда тумани ҳокими ўринbosари - оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Зулфияхон Саримсақова, туман адлия бўлими, юридик хизмат кўrsatiш маркази мутасаддилари ва психолог-мутахассислар иштирок этди.



Семинар давомида соҳа мутахассислари ва хотин-қизлар ўртасида психологик сұхбат хамда тренинглар ўтказилиб, ҳуқуқшунослар томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Шунингдек, аёллар учун тиббий-кўрик ҳам ташкил этилиб, уларнинг саломатлиги текширувдан ўтказилди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2022-07-22 13:12:49